Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен-сен, Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен

# Хабар

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 18 апрель № 15 (295) ● Сотувда нархи эркин

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

***Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А.Ҳ.Жўрабоев раҳбарлигида ўтган ҳайъат йиғилишида жорий йилнинг биринчи чораги иш якунлари кўриб чиқилди. Йиғилишда агентлик Бош директори ўринбосари М.М.Маҳмудов маъруза қилди.***

Ўтган муддат ичида агентлик асосий эътиборни алоқа хизматига бўлган эҳтиёжни тўлақонли қондириш, хорижий сармояларни жалб этиш, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга ошириш, холисона рақобатни вужудга келтириш учун шарт-шароит яратиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш, янги хизмат турларини барпо этган ҳолда соҳани ривожлантиришга қаратди. Белгилаб олинган ишлар амалга оширилди ва ўз самарасини берди. Ишлаб чиқилган ўнлаб меъёрий ҳужжатлар амалиётга жорий қилинди, улар янгича шароитда соҳа ишини ривож топтириш учун имконият яратди. «Почта тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида, «Радиочастота спектри тўғрисида» Қонунлар лойиҳалари тайёрланди, улар ҳукуматга кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Лицензиялаштириш ҳамда сертификатлаштириш ишлари ривожлантирилди. Натижада телекоммуникация хизмати соҳасида фаолият кўрсатиш учун 149 та лицензия ва ўнлаб сертификатлар берилди. Уларга қандай риоя қилинаётганлиги текшириб кўрилди.

Сифат кўрсаткичлари таҳлили бир қатор корхоналарда иш сифати пасайганлигини кўрсатди. Шикоятлар сони 14,6 фоизга ўсган, шаҳарлараро ва халқаро алоқалар бўйича эса 1,8 маротабага кўпайган. Баъзи почта корхоналарида, масалан Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида пул маблағларини сақлаш аҳволи кишида ташвиш уйғотади.

Ўтган чоракда соҳага 6,3 миллиард сўм даромад келиб тушди. Аҳолига 870 миллион сўмлик алоқа хизмати кўрсатилди. Уч миллиард сўм фойда олинди. Аммо шунга қарамай телефон тармоқларини ривожлантириш ишлари суст олиб борилди, фақат икки мингта янги телефонлар ўрнатилди. Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистралининг биринчи босқичи қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди.

Экспорт-импорт операцияларининг таҳлили ўтказилди. Бугунги кунда алоқа соҳасида 36 та ҳиссадорлик жамияти, 12 та қўшма корхона, 23 та давлат корхоналари ва 1 та ижара корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳайъатда электралоқа корхоналарининг молиявий аҳволи ҳамон мураккаб масалалардан бири бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Қарзларнинг қарийб ярми маҳаллий электралоқа корхоналари зиммасига тўғри келади. Ана шу қарзларни тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамон етарли даражада эмас. Кўрилган масалалар муҳокамасида акциядорлик компаниялари раҳбарлари, агентлик бўлим бошлиқлари иштирок этишди.

Ҳайъат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л.Ахметов қатнашди ва сўзга чиқди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан ҳайъат тегишли қарор қабул қилди.

**А.КУДИНОВ**



## ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ БЎЛСИН...

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида НАВРЎЗ шодиёнаси бўлиб ўтди. Тантанага турли корхона ва ташкилотлардан меҳмонлар, хорижлик ҳамкор-ҳамкасблар таклиф қилинди. Улуғ айёмга атаб безатилган байрам дастурхонига кўк сомса, сумалак, таомлар шоҳи — паловхонтўра тортилди. Санъаткорлар ижро этган дилрабо куй-қўшиқлар байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади. Тантана ташкилотчилари — Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Давлат Алоқа назорати, «Тошкент почтамти» акциядорлик жамияти, «Алоқабанк» каби ташкилот ҳамда корхоналарнинг саъй-ҳаракатлари туфайли байрам шодиёналари дилларга қувонч ва сурур бахш этди.

Не бахтки, фасллар келинчаги БАҲОРОЙнинг ушбу фараҳбахш кунларида юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида НАВРЎЗ байрами кенг миқёсда нишонланмоқда. Бу тантаналар юртдошларимизга ўзгача бир кўтаринки кайфият, шоду хуррамлик бағишлаётир. Улуғ аллома ва шоир Умар Хайём ёзганидек: *«Кимки Наврўз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди»*.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

## ҚАНИЙДИ ҲАММА ЖОЙДА ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛСА...

Зарур иш билан Қашқадарё вилоятининг Бешкент тумани марказига қўнғироқ қилдим. Тумандаги алоқачи қизларнинг хушмуомалалиги ва телефон хизматининг яхши йўлга қўйилганидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Хизмат сафари билан Самарқанд шаҳрига борганимда Оқдарё ва вилоятнинг бошқа туманларидаги телефон хизмати мени ранжитганди. Бешкентга телефон қилиб бутунлай бошқача аҳволдан воқиф бўлдим. Газета орқали ушбу туман алоқачи қизларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Қанийди, бошқа жойларда ҳам худди шундай алоқа хизмати кўрсатилса...

***Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ,***
***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан Люк Дехане шу йил 17-18 апрель кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «XX асрнинг кескин бурилиш даврларида оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

● **Тошкентдаги Жаҳон тиллари университети немис тили факультетида Гёте номидаги институтнинг филиали очилди.**

● Қирғизистон парламенти Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича Бишкекда халқаро конференция ўтказиш даъвати билан жаҳондаги барча парламентларга мурожаат қилди.

● **Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси Тошкентдаги диагностика марказига 50 минг долларлик тиббиёт асбоб-ускуналарини совға қилди.**

● Тожикистон пойтахти Душанбедан икки юз километр нарида машқ парвозини давом эттираётган пайтда бу ердаги МДҲ тинчликни сақлаш кучларига қарашли СУ-25 самолёти фалокатга учради. Унинг икки учувчиси ҳалок бўлди.

● **Женеванинг кўргазмалар марказида бўлиб ўтган ихтиролар, янги технология ва маҳсулотлар халқаро кўргазмасида Ўзбекистон олим ва мутахассисларининг ўнта илмий-техникавий ечимлари нуфузли медаллар билан тақдирланди.**

● Франция ҳукумати аҳолининг кўчиб келиши ҳақидаги янги қонуннинг якунловчи қисмини тасдиқлади. Шундай қилиб, парламент 1945 йилда қабул қилинган Францияга кўчиб келиш ва ундан жўнаб кетиш ҳақидаги дастлабки ҳужжатни 26 марта янгилади.

● **Саудия Арабистонида Ҳаж маросимлари ўтказилаётган пайтда кўприкдан ўтиш вақтида тирбандлик оқибатида 118 киши ҳалок бўлди. Улар асосан Индонезия ва Малайзиядан келган фуқаролардир. Олинган маълумотларга кўра, ўзбекистонлик ҳожилардан ҳеч ким шикастлангани йўқ.**

● Филиппин Президенти Осиёдаги молия-пул инқирози юз бериб турган шароитда ишончли иқтисодиётни барпо этганлиги учун умумжаҳон валюта жамғармаси ва жаҳон банки раҳбарлари томонидан мақтовга сазовор бўлди.

## НАВРЎЗ ШУКУҲИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Юртимизда Наврўз байрамига бағишланган тантаналар давом этмоқда. «Қашқадарё телеком» шуъба корхонасининг Чироқчи туман филиали алоқачиларини ҳам байрам шукуҳи четлаб ўтмади. Туман филиали бошлиғи Х. Эшонқулов байрам иштирокчиларини Наврўзи олам билан табриклади. Корхонада миллий таомлар танлови ўтказилди. Танловда телефончи қизлар гуруҳи 45 хил таом тайёрлаб, ғолиб чиқдилар. Улар 1000 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ўрин шаҳар телефон тармоғи бўлимига насиб этди, улар 28 хилдаги миллий таомлар тайёрлаб, 800 сўм пул мукофотига сазовор бўлишди. Муҳандис-техник ходимлар ва ҳисобчилар 25 хилдаги таомлари билан учинчи ўринни олишди. Қишлоқ телефон тармоғи, телеграфчи ва корхона маъмурияти ходимлари ҳам 24 хилдаги овқатлар тайёрлаб, танловда фаол иштирок этишди. Шунингдек, бўлимлараро ўтказилган шахмат-шашка мусобақасида электромантўр Г. Кенгбоевга тенг келадиган топилмади, у барча ҳамкасбларини енгиб, 800 сўм пул мукофоти билан сийланди. Иккинчи ўрин ва 500 сўмлик пул мукофоти муҳандис У. Маматқуловга насиб этди.

Байрам тантаналарида шўх куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди.

***А. ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Қашқадарё телеком» шуъба корхонасининг Чироқчи филиали муҳандиси***

# ЯХШИ ГАП «ТОШ»НИ ЭРИТАДИ



Хона эшиги очилиб, остонада нуроний киши кўринди.

— Мумкинми ўғлим?

— Келинг бобо, келинг.

Ўрол ака ўрнидан туриб, меҳмонга пешвоз чиқди. Саксон ёшли Саттор бобо ўриндиққа жойлашиб олгач, кафтини дуога очди:

— Илоҳи омин, юртимиз тинч, ўзимиз соғ-омон юрайлик. Шу Ўролбой бошлиқ идора ходимларининг ҳам иши доим ўнгидан келаверсин.

— Раҳмат бобо, айтганингиз келсин.

Ўрол Бойқулович чойнакдан чой қуйиб, меҳмонга узатаркан, ҳол-аҳвол сўради. Саттор бобо бу ерга не ниятда келганлигини айтди.

— Шу десангиз Ўролбой, яқинда уйдаги телефонимиз билан дунёнинг исталган жойини олиб, гаплашса бўлади деб эшитдим. Ростми шу, ё кўча гапими?

— Рост гап бу, бобо. Ҳозир шунинг ҳаракатини қиляпмиз.

— Балли ўғлим, мана буни чин янгилик деса бўлади.

Ўрол Жўраев қаршисида ўтирган оппоқ соқолли кишига қараб ширин хаёлларга бериларкан, жаҳон андозалари даражасидаги хизмат сари олиб борилаётган ишлардан меҳмонни хабардор этди. Ўз навбатида Саттор бобо хорватиялик ишбилармонлар ва индонезиялик сармоядорлар ҳимматидан мамнун бўлди. Тез орада уйдан туриб Россия, Белоруссия, Украинадаги қуролдош дўстлари билан гаплашишига ишонч ҳосил қилди.

Энг муҳими, «Сурхондарё телеком» шуъба корхонасининг Денов филиали бошлиғи Ўрол Жўраевнинг саъй-ҳаракатлари кўнглини тоғдек кўтарди.

— Раҳматли отам Бойқул Жўраев менга тез-тез насиҳат қилиб турардилар, — дейди Ўрол ака ўзаро гурунглашаётганимизда. — 1985 йили Денов алоқа тармоғига раҳбар бўлганимда «Ўғлим, мартабангиз қутлуғ бўлсин. Бирга ишлаётган одамларингизга ширин муомалада бўлинг. Чунки яхши гап «тош»ни ҳам эритади. Агар айтганимга амал қилсангиз отингиз манзили узоқ бўлаверади», дедилар. Мана, ўн йилдан ошибдики, ота насиҳатига риоя қилиб, ишончни оқлаб келяпман.

Дарвоқе, кейинги йилларда Денов тумани ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларда аҳолига телефон хизмати кўрсатиш даражаси янада яхшиланди. Ҳозир Денов шаҳри аҳолисига ва корхона, ташкилотларининг телефон хизматига бўлган талабини қондириш мақсадида 10 минг рақамли телефон станцияси қурилмоқда. Туманнинг янги алоқа уйи эса фойдаланишга топшириш арафасида турибди. Бу ишларда хорватиялик ишбилармонлар маҳаллий мутахассисларга қўшқанот бўлишяпти. Ҳаракатлар ёмон эмас. Насиб этса, жорий йилда Саттор бободек мижозлар уйдан туриб, дунёнинг исталган жойи билан гаплашиш имкониятига эга бўлишади.

— Иккинчи жаҳон уруши авжи паллага кирган бир пайтда дунёга келганман, — дейди Ўрол ака. — Онам Зубайда Жўраева ўша оғир йилларда бир қўли билан бешик тебратиб, бир қўлда машоқ терганлар. У киши айтган алла қалбимга эзгу туйғуларни жойлаган экан шекилли, бор маҳорат ва куч-қувватимни эл хизматига бахшида этиб келяпман.

Яқинда «Сурхондарё телеком» шуъба корхонасининг Денов филиали жамоаси Ўрол Жўраев таваллудининг 55 йиллиги ва узлуксиз меҳнат фаолиятининг 33 йиллигини нишонлашди. Тошкент Алоқа коллежини тугатган, тажрибали мутахассис оддий электромеханикликдан филиал раҳбари даражасига етгунча фидойилик намуналарини кўрсатганлиги алоҳида эътироф этилди. Жўраевлар оиласи намунали оилалардан бири эканлиги айтилди. Ўрол Жўраевнинг турмуш ўртоғи Раъно Тошпўлатова Денов марказий шифохонасида тажрибали ҳамшира. Баҳодир ҳам она касбини эгаллаган. Самарқанд Давлат тиббиёт институтини битиргач, туман марказий шифохонасида ишламоқда. Саодат почта хизмати ходими, Сайёра эса мактаб битирувчиси.

Ўрол Жўраев ўзи танлаган касбда узлуксиз ишлаш жараёнида ҳақиқатдан ҳам яхши гапда ҳикмат кўплигига, отаси Бойқул бобо айтганидай, ширинсўз ютуқлар калити эканлигига ишонч ҳосил қилди.

***Нортожи ЗИЁЕВ,***
***Сурхондарё вилояти***

# ТЕКШИРИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ИШ СИФАТИ

Андижон вилояти давлат алоқа назорати идораси асосий эътиборни абонент ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жойларда лицензия ва сертификатлаштириш ҳақидаги қонуннинг бажарилиши, фуқароларнинг мурожаатларига муносабат ҳамда тарифларнинг қўлланилиши, электралоқа воситаларининг сифат ва самарадорлигини ошириш каби ишларга қаратмоқда. Шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг жорий этилиши бўйича режага асосан «Андижон телеком» ҳиссадорлик жамиятининг Куйганёр, Марҳамат, Бўз, Балиқчи, Андижон шаҳар бўлимларида, «Андижон почтаси» ҲЖнинг шохобчаларида ҳамда Андижон радиотелевизион узатиш марказида текширишлар ўтказилди.

Маълум бўлишича, давлат тилини ва лотин ёзувидаги ўзбек алифбосини жорий этиш учун ишчи гуруҳлари тузилган. Иш юритиш ўзбек тилида олиб борилмоқда, корхона ва ташкилотларга иш қоғозлари, хатлар давлат тилида юборилмоқда.

«Андижон почтаси» ҲЖда вилоят алоқа бўлимларининг кўриги ўтказилган. Эришилган ютуқларга қарамай, лотин ёзувидаги ўзбек алифбосини ўқитиш суст олиб борилмоқда. Жойлардаги ишчи гуруҳлари қилинган ишлари ҳақида корхона жамоаси олдида мунтазам равишда ҳисобот бермайди. Статистика ва молия ҳужжатлари юқори ташкилот ҳамда вилоят идоралари томонидан берилган андозалар асосида амалга оширилмоқда. Жойлардаги шаҳарлараро телефон-телеграф станцияларининг сўзлашув масканида кўрсатилаётган алоқа хизмати турлари бўйича эълонлар етарли эмас. Абонентлар учун маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари ёзиб қўйилмаган.

«Андижон телеком» ҲЖнинг бўлимларида электралоқа воситаларининг сифат ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, текширишлар жараёнида лицензия шартлари кабель алоқа йўлларидаги носозликлар бўйича Куйганёр, Марҳамат бўлимларида, Андижон шаҳрининг 25, 27-АТСларида энг катта кучланиш вақтида шаҳарлараро телефон станцияси — шаҳарлараро автомат-телефон станцияси (ШТС-ШАТС, ШАТС-ШТС) оралиғидаги станциялараро раддиялар бўйича бажарилмаётганлиги аниқланди. Андижон шаҳар ва Куйганёр бўлимларида мавжуд магистраль кабелларини меъёрдаги ҳаво босими остига қўйиш ишлари суст олиб борилмоқда.

«Андижон почтаси» ҲЖда алоқа хизмати сифатини яхшилаш, иш ҳажмини ошириш, пулли ва қимматбаҳо почта жўнатмаларини муҳофазалаш учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва бажариш учун маҳаллий шохобчаларга юборилган. Даромадларни ошириш учун газеталар сотуви ташкил қилинган. Алоқа бўлимларида электр нури, газ, коммунал хизматлар учун тўловлар қабул қилинмоқда. Кўрсатилаётган алоқа хизматлари ҳақида эълонлар етарли даражада. Фуқароларнинг мурожаатларига қониқарли жавоб қилинмоқда. Шунча ишлар амалга оширилганига қарамай меъёрий ҳужжатлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Айрим ҳолларда «Абонент ҳуқуқини ҳимоя қилиш» Қонунининг 19-моддаси бузиляпти. Марҳамат шохобчасининг Равот, Наврўз, Қўшчи, Шукурмерган, Қорабағиш алоқа бўлимларидаги овозли электр ҳимоя ускуналари ишламаётганлиги аниқланди. Бундай ҳолат Бўз, Балиқчи шохобчаларида ҳам мавжуд.

Текширишлар жараёнида корхоналарга меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритишлари учун амалий ёрдам кўрсатилди. Аниқланган камчиликларга йўл қўйганлиги, алоқа хизматининг сифатига доир меъёрлар бузилганлиги, лицензия шартлари бажарилмаётганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик» кодексининг 153-моддасига асосан 7 та мансабдор шахсга жарима солинди. Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун кўрсатмалар берилди, уларни белгиланган муддатларда бажарилиши назорат остига олинди.

***Р. ТАВАККАЛОВ,***
***Андижон вилояти давлат алоқа назорати бошлиғи***



***Ҳайитхон ДЕҲҚОНБОЕВА «Сирдарё почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Гулистон шаҳар бўлимида сараловчи бўлиб ишлайди.***

***Газета-журналлар, хат-хабарларни манзилларга бехато, ўз вақтида етказиш унинг асосий вазифасидир.***

***Сайфулла ДАВЛАТОВ олган сурат***

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***Ҳурматли етакчи иқтисодчимиз Фаридахон МИРИСОҚОВА!***

Сизни таваллуд айёмингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга соғлик, узоқ умр, хотиржамлик тилаймиз. Фарзандларингиз камолини кўриб, уларнинг ардоғида юринг!

***«Тошкент почтамти» акционерлик жамиятининг Шайхонтоҳур алоқа тармоғи жамоаси***

* * *

***Ҳурматли Анатолий Трафимович АЛЁХИН!***

Сизни табаррук 70 ёшингиз ҳамда алоқа соҳасидаги фаолиятингизга 25 йил тўлиши муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилангизга осойишталик тилаймиз.

***«Фарғона телеком» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси***

## АСПИРАНТУРАГА МАРҲАМАТ!

Тошкент электротехника Алоқа институти 1998 йил учун
05.12.02 алоқа каналлари орқали ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари;
05.12.14 алоқа тармоқлари, бўлимлари ва ахборот тақсимлаш;
05.12.17 Радиотехника ва телевидение тизимлари ва қурилмалари мутахассисликлари бўйича кундузги ва сиртқи аспирантурага қабул

***ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.***

Ҳужжатлар 1998 йил 15 майгача қабул қилинади.
Имтиҳонлар 20 майдан бошланади.

**Барча ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин:**
**700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: 136-07-63; 35-01-12; 35-09-12;**
**Факс 35-10-40.**

САЙЁР

# ХАЙРИЯТ, ТЕЛЕФОН ПОРТЛАМАДИ...

ҲАЖВИЯ

Телефоннинг сеҳри бор, дейишади. Телефон дастасига қулоғини бир босган одам оламни унутармиш-қўярмиш. Яқинда ўзим бир воқеанинг гувоҳи бўлдиму...

Келинг, сиз қулоқ тутинг, мен гапириб берай.

Азим Тошкент шаҳрида бир опа, бир сингил яшар экан. Опа менинг қўшним. Мана, у бизникига кириб, синглисига қўнғироқ қиляпти.

— Ҳа, яхшимисан? Ер юзида бормисанлар? Мундоқ опангдан хабар олай демайсан. Инсоф борми? Кеча кечқурундан бери қўнғироғингни кутаман.

— Телефон қилиб тушолмаётувдим! — деди у ёқдан худди шундай шанғиллаган овоз. — Айтгандай, ҳалиги ўнг кўзингизнинг чап томонидан учинчи кипригингиз пирпираб, безовта қилаётганини айтувдингиз, тузалдими, тинчидими?

— Эй қўй, сен сўрама, мен айтмай. Энди чап кўзимда қошга яқин томондаги киприкларим учяпти, яхшиликка бўлсин ишқилиб...

— Яхшилик бўлади, чап кўз юракка яқин. Ҳадеб учаётган кипригингизни эсга олаверманг. Серсанггизга нагрузка бўлади-я.

— Серсам чарчаганга ўхшайди. Иштаҳам йўқ.

— Иштаҳани очиш учун кўчага чиқиб, ҳаво ютиб, айланиб келинг.

— Бекордан-бекор-а?!

— Нега бекор бўлади. Ҳаво янгиланади. Кейин, деразангизнинг дарчаларини очиб-ёпиб туринг. Хонангизда ҳаво юрсин!

— Елвизакда радикул бўлишим қолувди.

— Ҳа, майли, ўзингиз биласиз. Ҳаётни мендан кўп кўрган опасиз. Мен сиздан ўрганай. Ўрганиб ёмон бўлганим йўқ. Мана, эрдан чиқиб, сизга ўхшаб сўққабош бўлганимга ҳам ўн йил тўлибди.

— Ҳа, эркакларнинг ҳаммаси эгайис. Ўзининг қўлидан ҳамма иш келади-ю, аммо... ҳали дазмол қил, дастрўмолнинг тозасини бер, дея хархаша қилади. Равнап-равман, ўзинг қил, деб нари суриб ташлаш керак. Мен дугоналаримга айтаман. Уларга ҳайронман, фиодал эрларининг этганини қилади...

— Қолоқда, қолоқ... Эрлари ҳақида оғзиларидан бол томиб гапиришади. Топилмас матоҳ бўлмай савил қолсин...

— Ҳа, ўзингга келибсан, сингилжон. Бўй эгмаслик керак.

Опа шундай деди-ю аммо телефон дастасидан чуқур «уҳ» эшитилди. Чамаси, ёлғизлик ҳам ўз ҳукмини ўтказаётган эди.

— Опа... опажон, мени кечиринг. Куйинди ҳиди келяпти. Ошхонадан бир хабар олай...

— Ҳа, майли, гапим адо бўлгани йўқ. Дастакни ўрнига қўйиб қўйма.

— Вой, опажон... Алло, алло...

— Ҳа, эшитяпман. Мунча ўпканг шишиб кетди. Эринг йўқ-ку уришгани.

— Э, нимасини айтасиз, — деди синглиси дастакка безовталик билан ёпишиб, — шўрва қўювдим. Қуриб кетибди, савил. Картошка кўмирга айланиб, қозонга ёпишиб қолибди.

— Қўявер энди. Насиб қилмаган! Шунақа гаплашиб турайлик. Шўрва топилади, одам топилмайди...

Опа телефон дастасини жойига қўйди. «Хайрият», дедим ичимда. У ҳолатимдан кайфиятни сезди чоғи:

— Телефон портлагани йўқ, шукур қилинг, қўшни. Эртагача хайр, — деди-ю чиқиб кетди. Бу унинг раҳмат айтгани бўлса керак.

## ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

*— Малака оширишда ўқиб келибсан деб эшитдим, кўп нарса олгандирсан?*
*— Ҳа, жуда кўп нарсалик бўлдим — хотинимга пальто, қизимга рўмол, ўзимга эса машинам учун эҳтиёт қисмлар олдим.*

* * *

*— Қани айтингчи, судланувчи, бу воқеа қандай содир бўлди?*
*— Тунда уйга қайтаётган эдим, бу иккаласи йўлимни тўсиб, «қани, пальто билан телпакни еч!» деди. Мен уларнинг пальтоси билан телпагини ечиб олдим.*

* * *

*— Ёрдам беринглар, эрим йўқолиб қолди?*
*— Бунга неча кун бўлди?*
*— Бир ҳафтадан буён кўринмайди.*
*— Нега энди қидиряпсиз?*
*— Бугун маош оладиган куни-да!*

* * *

*Кайфи тароқ эр гандираклаб уйига келгач, хотинига деди:*
*— Хотин, бемалол қарғайвер, каравотни тополмаяпман.*

* * *

*Машина ҳайдаб кетаётган эрига хотини тинимсиз ўргатарди:*
*— Секинроқ ҳайда, кескин бурилма, бурилиш сигналини ёқ!*
*— Уф! Кўп бошимни қотирма, сенинг ишинг ДАН ходимига мулойим жилмайиш...*

* * *

*Харидор сотувчига деди:*
*— Қойилман сизга, циркда кўзбоғлоғич бўлиб ишласангиз бўлар экан.*
*— Нега бундай деяпсиз?*
*— Икки литрлик идишимга уч литр ёғни сиғдириб юбордингиз!*

# ПАЙҒАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Одамлар ичида Тангрига ёқимсизроғи — ашаддий душманлик қилувчидир.

* * *

Бидъат-хурофотга берилган одам то уларни тарк этмагунча, унинг қилган савобли ишларини Тангри қабул қилмайди.

* * *

Таомни совитиброқ истеъмол қилинглар, иссиқ-қайноқ таомда барака бўлмайди.

* * *

Қалбинг мулойим, ҳожатинг раво бўлишини хоҳлайсанми? Хоҳласанг, етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошини сила, ўз таомингдан уларга едир. Шунда дилинг юмшаб, ҳожатинг раво бўлур.

* * *

Қўй боқинглар, чунки у баракадир.

* * *

Ҳаром нарсалардан сақланинг — одамлар ичида ибодатлироғи бўласиз. Оллоҳнинг тақсим қилган ризқига рози бўлинг — одамларнинг бойроғи бўласиз. Қўшнингизга яхшилик қилинг — тинч бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг — саломат юрасиз. Кўп кулманг. Кўп кулиш дилни ўлдиради.

* * *

Тангридан қўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар! (Уларга кийим ва таомларни баробар тақсимланглар).

* * *

Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларимни фақат тўғри йўлда боришликка бирлаштиради.



*ХИВА. Ичан Қалъа дарвозаси.* *Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат*

• Мерос

Убайд ЗОКОНИЙ

# ДИЛКУШО ҲИКОЯТЛАР

Султон Маҳмуд ўтин орқалаб кетаётган бир чолни учратиб, раҳми келибди.

— Ҳой, қария, — дебди у, — шу оғир меҳнатдан қутулишинг учун сенга уч-тўрт динор олтин берайми ёки битта эшак берсам бўладими, уч-тўрт қўй инъом қилайми ёки бирор боғ ажратиб берайми? — деб сўрабди.

— Эй султоним, олтин берсанг белимга боғлаб олар эдим, берган эшагингни миниб, қўйларни олдимга солиб, боққа борар эдим ва қолган умримни сени дуо қилиб, чорбоғда ўтказар эдим, — дебди чол.

Султонга бу гап маъқул тушиб, худди шундай қилишга фармон берибди.

* * *

Бир турк ҳар гал ҳаммомга кирганда: «Уним йўқолибди, буним йўқолибди», деб ҳаммомчининг ёқасидан тутаркан. Бориб-бориб, отнинг қашқасидай ҳаммага маълум бўлиб қолибди ва уни ҳеч қайси ҳаммомга киритмайдиган бўлибдилар. Бир куни: «Агар бир нима деб даъво қилсам, одам эмасман», деб уч-тўрт кишини гувоҳ қилиб, ҳаммомга кирибди. Ҳаммомчи дарров туркнинг кийим-бошини ўраб, ўз уйига юборибди. Турк ҳаммомдан чиқиб «ғинг!» деёлмабди ва қип-яланғоч баданига қайишни боғлаб, қиличини осиб олибди-да, одамларга қараб:

— Эй мусулмонлар, менку даъво қилолмайман ва даъво қилишга ҳаққим ҳам йўқ, аммо сизлар бу ҳаммомчидан сўранглар-чи, наҳотки мен шўрлик шу алфозда ҳаммомга келган бўлсам? — дебди.

* * *

Бир хасиснинг қовурилган товуқни уч кундан бери дастурхонга олиб келиб, емасдан олиб бориб қўяётганига разм солиб юрган бир донишманд:

— Бу товуғингизнинг умри тириклигидан ҳам узунроқ шекилли, — дебди.

* * *

Бир қаландар томирини табибга ушлатиб:

— Нима касалим бор? — деб сўрабди.

— Сенинг касалинг очлик, — дебди табиб ва унинг олдига бир лаган ҳалим келтириб қўйибди. Қаландар қорни тўйганидан кейин табибга қараб:

— Бизнинг чодирда яна ўн киши шу касал билан оғриб ётибди, тақсир, — дебди.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

•

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-35-29, 144-29-09.
факс 136-36-42,
ИНДЕКС: 64600,
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

•

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-011169. 15061 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси,

Босишга топширилди — 21.00
Босишга топшириш вақти — 21.00

1 2 3 4 5 6

